

---

## ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ВА ҚУВАЙТ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КҮТАРИЛАДИ: ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚУВАЙТДА БЎЛИБ ТУРИБДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг Қувайтга ва Саудия Арабистонига ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни кўзда тутган амалий ташрифи бошланди.

Делегация таркибидан вилоят ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринbosари Нуриддин Мамажонов, вилоят соғлиқни сақлаш ва қурилиш соҳаси раҳбарлари ва бошқа расмийлар ўрин олган.

4 кунлик ташрифнинг дастлабки кунида Қувайтда вилоятимизда қатор йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётган "Gulf Care General Trade" hamda "Energy Solutions" компаниялари бошқарув кенгаши раиси Эйад ал-Салех билан музокаралар ўтказилди.

Самимий ўтган учрашувда икки ҳудуд ўртасида қатор соҳаларда мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари хусусида мулоқот қилиниб, амалга оширилиши кўзда тутилаётган янги лойиҳалар бўйича фикр алмашилди.

Қувайтлик йирик тадбиркор шейх Эйад ал-Салех нефт ва газ, энергетика, тиббиёт, фармацевтика, қурилиш, ипакчилик, тоғ-кон саноати, металлургия йўналишларида дунёning турли давлатларидағи 20 га яқин компаниялар соҳиби саналади.

Эйад ал-Салех вилоятимизга икки бор ташриф буюрган бўлиб, ушбу ташрифлар давомида қувайтлик тадбиркор Фарғона вилоятида давлат тиббиёт муассасаси учун диагностика-лабораториясини ташкил этиш ва жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириши бўйича дастлабки келишувлар олиб борилган. Ушбу мамлакатга ташриф мақсади ҳам янги лойиҳа бўйича якуний битимларни имзолашдан иборат.

"The Regency" меҳмонхонасида ташкил этилган маросимда ҳам икки ҳудуд ўртасида янги алоқалар даври бошланаётганлиги, ушбу битим орқали Қувайт компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятлари бошланишига старт берилганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Бошланаётган янги лойиҳа келажакдаги ишларнинг дебочаси бўлиши, Қувайт компанияси томонидан Фарғонада амалга ошириладиган келгусидаги барча лойиҳалар ҳам қўллаб-қувватланиши, ушбу ҳамкорлик икки ҳудуд учун ҳам манфаатли бўлишлиги таъкидланди.

Фарғона вилоятида давлат тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатувчи диагностик лабораторияларни ташкил этиш, бошқариш ва синов хизматлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик келишувини вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бобур Примқулов ва "Gulf Care General Trade" hamda "Energy Solutions" компаниялари бошқарув кенгаши раиси Эйад ал-Салех имзоладилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-04-28 13:44:53